

ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН МОШНИНГ МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Гофуров Дилшод Умаралиевич

(DSc) докторант ПСУЕАИТИ

Жўраев Акмалжон Нормухамадович

АҚХАИ доценти

Эсонова Ойшахон Гофуржон кизи

Достонбек Тошматов

АҚХАИ талабалари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440138>

Аннотация. Мазкур илмий мақолада ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида тупроқларини ювилиб тушган қисмида кузги бугдойдан кейин такрорий мош экин мошни $N_{25}P_{80}K_{60}$ кг/га минерал ўғит меъёрлари қўлланилганда ўсиш, ривожланиши яхши бўлиши билан бир қаторда дуккаклар сонини кўпайиши тўғрисидаги илмий манбалар келтирилган.

Калит сўзлар: ирригация эрозияси, тупроқ, минерал ўғит меъёрлари, тупроқ унумдорлиги, типик бўз тупроқ, мош, қуруқ модда, ўсиш ва ривожланиши.

РОСТ И РАЗВИТИЕ ПЕРЕСАЖЕННОЙ МЕШАНКИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ НОРМ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ

Аннотация. В данной научной статье представлены научные источники об улучшении роста и развития, а также увеличении количества стручков при внесении в культуру норм минеральных удобрений $N_{25}R_{80}K_{60}$ кг/га повторного посева каши после озимой пшеницы. условиях типичных сероземов, подверженных ирригационной эрозии.

Ключевые слова: ирригационная эрозия, почва, нормы минеральных удобрений, плодородие почвы, серозем типичный, мох, сухое вещество, рост и развитие.

GROWTH AND DEVELOPMENT OF A TRANSPLANTED MASH, DEPENDING ON THE NORMS OF MINERAL FERTILIZERS

Abstract. This scientific article presents scientific sources on improving growth and development, as well as increasing the number of pods when introducing mineral fertilizer norms $N_{25}R_{80}K_{60}$ kg/ha into the culture of re-sowing porridge after winter wheat. conditions of typical gray soils subject to irrigation erosion.

Keywords: irrigation erosion, soil, norms of mineral fertilizers, soil fertility, typical gray soil, moss, dry matter, growth and development.

Тупроқни эрозиядан сақлаш қурғоқчил иклили минтақаларда жойлашган кўпгина мамлакатрлада хусусан, Ўзбекистонда ҳам муҳум ва долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Республикамизда ирригация эрозиясидан 722000 га, шамол эрозиясидан (экин экиладиган ҳудудларда) 1812 000 га, шу жумладан сув ва шамол эрозияси 1929000 га ерлар зарар кўради (Мирзажанов ва бошқ, 2011). Ҳосилдорликнинг камайиш сабабларидан бири, бу ирригация эрозияси туфайли тупроқдаги озика элементларни ювилиши ва ҳосилнинг кескин камайиб кетишига таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, бир даланинг ўзида тупроқ унумдорлиги турли ҳил бўлиши, бу ўз навбатида шунга мос ҳолда суғориш, ўғитлаш, тупроққа ишлов бериш ва алмашлаб экишни тақозо этади.

Юқорида келтирилган фиклар асосида, тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда ғўза мажмуасига кирадиган, экинларнинг ҳосилдорлиги ва унинг сифатини оширишни таъминлайдиган алмашлаб экишни қисқа даврли тизимларини жорий этишни талаб этади. Шу билан бирга, ушбу тизимларда тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ҳамда оширадиган экинларни паваришлаш агротехнологиялари такомиллаштирилмоқда

Қолаверса, Республикамизда аҳоли сонинг йил сайин ортиб бориши ҳар бир гектар ер майдонидан унумли фойдаланишни, бир йилда икки уч марта дон ҳосили олишни навбатлаб экишни, тақозо этмоқда дон ва унинг маҳсулотларига бўлган давлат талаби йилдан-йилга жадал ўсиб бормоқда. Мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қондириш учун дончиликнинг изчил ривожлантиришни талаб этади. Бунинг учун энг аввало илмий дастур асосида иш юритиб, янги серҳосил минтақавий иқлим шароитларида синаш, танлаш, экин навларининг озиқа моддаларга, сувга ва бошқа парвариш омилларига бўлган талабини, чуқур ўрганиш ҳамда илмий асосланган ҳолда иш юритиш лозим.

Маълумки, республикамизда асосий қишлоқ хўжалик экинлари суғориладиган тупроқлар шароитида етиштирилади. Бу эса уларда қўлланиладиган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш билан бирга тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва тиклайдиган экинларни экишни талаб этади. Шунингдек, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олиш учун қишлоқ хўжалик экинларини самарали алмашлаб-навбатлаб экиш тизимида дон-дуккакли экинлардан фойдаланиш ижобий натижаларга эришишимиз учун ёрдам беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан сўнг бўшаган майдонларда такрорий мош экиннинг минерал ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсиши ривожланиши ва қуруқ модда тўплашини аниқладик. Ирригация эрозиясига чалинган тупроқлари ювилган қисмида экинларни минерал ўғитларга бўлган талабини тўғри баҳолаш муҳумлигини ҳисобга олган ҳолда тупроқлари ювилиб тушган қисмида тажрибалар олиб бордик. Биз тадқиқотларнинг такрорий экин мошнинг “Дурдона” навида минерал ўғит меъёрларини табақалаштирилган ҳолда 3 ҳил ($N_{25}P_{80}K_{60}$; $N_{50}P_{80}K_{60}$; $N_{75}P_{80}K_{60}$) кг/га қўллаб, мош экинни ўсиш, ривожланишини ўсув даври давомида фенологик кузатувлар олиб борилди. Тажрибада фосфор ва калийли ўғитларни шудгордан олидин ҳамда азотли ўғит билан вегетация даврида икки марта озиқлантирилди. Дала тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаларига асосан ўтказилди. Кузги буғдой йиғиштириб олингандан сўнг, тажриба майдонига такрорий экинлар 9 июль кунни экилди ва 11-12 июль кунлари уруғ суви берилди. Мош уруғи сувдан кейин 7 кунда тўлиқ униб чиқди. Тўлиқ униб чиққандан 4 кун ўтгач, ниҳоллар чин барг чиқара бошлади. Гуллаш даври чинбарг чиқаргандан 20-25 кун ўтгач август ойида кузатилди. Гуллаш бошлагандан 7-10 кун ўтгач, (25 август) мош дуккаклаб, 1-5 сентябрь кунларда дуккаклай бошлади. Мош дуккаклари пиша бошлаши 25-30 сентябрга тўғри келиб, октябрь ойининг 15-20 кунларига келиб тўлиқ пишди. Мош тўлиқ униб чиққандан бошлаб тўлиқ пишгунгача 93 кунни ташкил этди.

Мошнинг ўсиш ривожланишини август ойида кузатганимизда ўсимликнинг бўйи вариантлар бўйича бир биридан фарқланди. Демак, олиб борган тадқиқотларимиз ҳар бир вариантда минерал ўғит меъёрлари турлича бўлганлиги сабабли мошнинг ўсиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўсатди. Тупроқнинг ювилиб тушган қисмида такрорий

экин сифатида экилган 1 вариантда 2-3 баргли дарвида ўсимлик бўйи 27,7 см, мевалаш даврида 46,3 см ва амал даври охирида 48,5 см ташкил қилган бўлса, амал даври охирида бир ўсимликнинг ўртача қуруқ вазни 29 гр/ ўсимликни ташкил қилди, энг юқори кўсаткич 3-вариатда кузатилди. Ушбу вариантга минерал ўғитлар меъёрлари $N_{75}P_{80}K_{60}$ кг/га ни ташкил қилиб, ўсимлик бўйи 2-3 баргли даврида 31,4 см мевалаш даврида 51,2 см ва амал дарви охирида 58,9 см ни ташкил қилган бўлсада, мошнинг амал даври охирида дуккаклар сони камайганлиги ва қуруқ вазни эса 33 гр/ўсимликни ташкил қилганлиги кузатилди. Тажрибада минерал ўғит меъёрлари $N_{25}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган вариантда амал даври охирида дуккаклар сони 29,2 донани ташкил қилиб, бу иккинчи вариантга нисбатан 5,1 донага, 3-вариатга нисбатан эса 3,8 донага дуккаклар сони кўп бўлганлиги кузатилди. Бу эса такрорий мош экиннинг ҳосилига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Демак Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида тупроқлари ювилиб тушган қисмида мош экиннинг яхши ўсиш ривожланиши ва дуккаклар сони ортиши, бир ўсимликнинг қуруқ вазни яхши бўлиши учун минерал ўғит меъёрларининг $N_{25}P_{80}K_{60}$ кг/га қўллаш кераклиги исботланди.

REFERENCES

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007. – 147 б.
2. Дехқонов А.М. Ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида унга қарши кураш элементлари асосида кузги буғдойни табақалаб ўғитлаш: Қ.-х фанлари номзод. дисс. автореферати. -Ташкент: ЎзПИТИ, 2007.
3. З.Иминов А.А., Халиков Б.М., Намазов Ф.Б., Бозоров Х.-Ғалладан бўшаган майдонларда дуккакли–дон экинлари етиштиришнинг самарадорлиги. //Дала экинлари селекцияси. уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари мавзусидаги, Халқаро илмий–амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил. 15–16 декабрь 2–қисм). Б. 218.
4. Халиков Б.М.-Янги алмашлаб экиш тизимлари ва тупроқ унумдорлиги. Тошкен. 2010. Б. 71.
5. Жўраев А., Хошимов И., Маъданли ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири //«Экология хабарномаси» журнали. Тошкент, 2018. №5(205. Б. 16–17. (06.00.00.№2).
6. Эгамов Х., Рахимов А., Турсунов И., Жўраев А., Холмуроджонов Ж., Устойчивость сортов и линий хлопчатника к паутинному клещу //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. - Белгород:2020. 12-14 с.
7. Эгамов Х., Кимсанов И., Рахимов А., Жўраев А.Н, Холмуроджонов.Ж., Вопросы методики селекции и комбинационной способности сортов хлопчатника //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 15-18 с.
8. Жураев А., Хошимов И. Влияние агротехнологии озимой пшеницы на зерновую плодородность //журнал: «Актуальные проблемы современной науки». Москва, 2018. №4. С. 166–168. (06.00.00.№5).

9. Турсунов Х., Жўраева Х., Жўраев А.Н. The effect of rice sowing on the seedling method for different periods planting pattern and the number of seedlings // Ж. Psychology and education ISSN:00333077 (2021) 58 (1): 5517-5525
10. Жўраев А.Н., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж. Основные агротехнических мероприятия при возделывание озимой пшеницы // Ж. Science and world international scientific journa. ISSN: 2308-4804. №6(82), 2020. 33-б.
11. Жураев А.Н., Оптимальные элементы агротехнологии при возделывании озимой пшеницы //Международный центр научного сотрудничества «Приоритетные направления развития науки и образования». Пенза. 2018. С. 69–72.
12. Жўраев А., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж., Пути повшения плодородия почв и урожай озимой пшеницы // Ж. The Way of Science international scientific journal. ISSN: 2311-2158. №6(76), 2020. 21-б.
13. Акмалжон жураев, Дилнозахон Камбарова, Ортикали Исмоилов, Бурхонджон Очилов, Влияние эффективных агротехнологий росту озимой пшеницы // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №4, 2022. 122-ст.
14. Жўраев Акмалжон Нормухаматович, Қамбарова Дилноза Қодировна, Исмоилов Ортиғали, Кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги ва маъданли ўғитлар меъёрларини тупрокнинг ҳажм оғирлигига таъсири // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №3, 2022. 417 б.